

ЯПОНИЯДАН ИККИ МЕДАЛ БИЛАН

Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари Артур Бердимуродов ва Шерзод Ургучовларни Навоий ахли катта тантана билан кутиб олди. Улар Япониянинг Ибарак шаҳрида ўсмирлар ўрта-сида ўтказилган рум-юнон кураши бўйича Осиё чемпи-онатида муваффақиятли кат-нашиб, юртимизга кумуш ва бронза медаллари билан қай-тиди.

Артур ва Шерзод Навоий шаҳар халқ таълими бўли-мига қарашли 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида тахсил олади, - дейди улар-нинг устози, тренер Собир Қўзиёев. - Иккаласи ҳам ма-шгулотларга жиддий ёндаш-ади, кураш сирларини кунт билан ўрганади.

(ЎЗА)

Жалолқудук туманидаги «Ок булок» оромгоҳи жаннатмакон гўша. Адл тоғ тераклари, тол дарахтлари-дан иборат сўлим боғда болаларнинг кувнок чуғурлари бир зум тинмайди. Улар ёз гаштини сур-моқдалар.

ОҚ БУЛОҚ МАВЖЛАРИ

Маданият ва маърифат хонасида бўш ўриннинг ўзи йўқ. Биров китоб ва-рақламада, кимдир чега-ги табиат кўйиغا қилин-ган саёхат таассуротлари-ни қоғозда жонлантормоқ-да. Бошқалар радиодан таралаётган майин мусиқа оғушида хаёллар уммони-га чўмган.

Оромгоҳда турли йўна-лишдаги маънавий-маъри-фий, маданий-оқартув тад-бирлари мунтазам ўтқа-зилмоқда. «Қамолот» ёш-лар ижтимоий ҳаракати ҳамда туман маданият ва спорт бўлими, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» туман шўъбаси билан ҳамкор-

ликда уюштирилган «Кувнок стартлар», «Оромгоҳ мали-ки» спорт ўйинлари дам олувчиларда илиқ таассурот қолдирди. Тадбирда 4-гур-руҳдаги дам олувчи бола-лардан Дилшода Юнусова, Абдуллажон Ёқубовлар

Галиб бўлдилар. Шунинг-дек, Андижон давлат уни-верситети маъмурияти та-шаббуси билан «Ўзбекис-тонни ҳеч кимга бермай-миз!» шiori остида ўтқа-зилган маданий кеча ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғуларини уйғотди. Таълим-тарбия ва спорт,

маданий, маърифий тадбир-ларнинг юксак савияда олиб борилиши жамоанинг педа-гогик тажрибаси ва касб ма-лакасига боғлиқ. Бош етак-

зандлар дам олдириляпти. Сихат-саломатлик йили давлат дастури оромгоҳда изчил амалга ошириляп-ти. Янгибой Йўлдошев

спорт тўғралаклар ишлаб турибди. Ота-оналар дилбандла-рининг оромгоҳда ёзги таътилини мароқли ўтқа-заётганликларидан мам-нун. «Пахтакор» ширкат хўжалиги аъзоси Улуғбек Узоқовнинг икки ўғил-қизи шу ерда дам олаёт-ган экан.

Фарзандларимиз ота-оналари бағридагидек яйраб-яшнаб ёзги мав-сумни кувнок ўтказаяпти-лар. Тўрт маҳал иссиқ ов-қат, меҳрибон мураббий-лар, қордек оппоқ кўрпа-ёстиқлар билан таъмин-ланган чарогон ётоқхона-лар. Фарзандларимиз тоза ҳаводан баҳра олиб, куч-қувватга тўлишайти-ликларини кўриб бошим осмонга етди.

С.СОБИТОВ

ХОНҚАНИНГ ШИФОБАХШ СУВИ

Хонка санаторийсининг ишга тушганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамаздан, Хоразм вилояти-дагина эмас, балки республикада энг яхши сихат-гоҳлардан бирига айланди. Юрак-кон томир касал-ликлари, неврология, суяк-таянч аъзолари касал-ликларини даволашга мўлжалланган бу санаторий фаолиятдан кўчилик мамнун. Бу ерда республи-камизнинг турли вилоятларидан ва хатто қўшни Туркменистон, Тожикистон, Россиядан таширф бу-юрдан дам олувчиларни учратиш мумкин.

Мен Трусовец сихатгоҳида даволанганман. «Хон-ка»га иккинчи марта келишим. Бу ернинг маъдани суви менга Трусовецникидан яхшироқ таъсир қўрсатди. Ҳам-касбларим Эсон Қаршиев, Ҳикматулла Суноновлар ҳам бу ерда келиб даволанганимда, - дейди «Навоийце-мент» корхонаси ишчиси Бобек Жамолов.

Ҳақиқатан ҳам Хонкада ер қарининг 800 метр туби-дан чиқайтган йод, бром ва бошқа химиявий элемен-тарга бой маъданли сув 70-йиллардаёқ овоза бўлиб кетган эди. Унинг таркибини текширган москвалик олим-лар Хонка маъданли сувини Турсовецникидан қолиш-маслиги, хатто, баъзи жи-ҳатлари устунлиги ҳақидаги хулосага келишганди. Энди-

ликда одамлар минглаб километр йўл босиб, Трусов-ецга катнаб юришдан қутилишди. Сихатгоҳ замонвий тиббий асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Лазер нури, магнит, электр нури, игнае-рапия, парафин, балчик, маъданли сув, электрофарез, ультратовуш, УВЧ ва ҳозирлар дам олувчилар хизмати-да. Уларнинг кўнгилли хордик чикаришлари учун маъна-вият хонаси, кутубхона, биллярд, спорт зали ва майдон-чалари, сауна ишлаб турибди.

Сихатгоҳнинг 12 гектарлик боғи бўлиб терак, мажнун-тол, ясин ва бошқа турдаги дарахтлар, гуллар барқ уриб ўсиб ётди.

Дам олувчиларни мева ва сабзавотлар билан ўзимиз таъминляймиз. Яқинда бўғдойни йиғиштириб олдик. Эн-диликда ноямизда таяёрлаймиз, - дея суҳбатни давом эттирди бош шифокор Шухрат Собиров.

Менга бу ернинг ҳавосини, маъданли сувини ёқиб қолди. Айниқса, шифокорлар ва хизматчиларнинг шир-инсўзлигини айтмайсизми. Ахир беморни авваламбор ширин сўз, қолаверса, дори-дармон билан даволаш ҳам-мага маълум, - дейди москвалик дам олувчи Олга Петро-ва.

Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманидан таширф буюрган 65 ёшли Қайтар ота Қаршиев шундай дейди:

Мен республикамиз ва чет эл сихатгоҳларида кўп марта дам олганман. Обём ва умурткамга тўзупланган. Ўтган йили бу ерда дам олиб, шифо топдим. Бу йил яна келдим.

Шифокор Субҳонберди Рахимов миннатдорчилик из-хор қилиб ёзилган катта дафтарни қўлима тутказди. Ак-сарият дам олувчилар маъданли сувдан шифо топаётган-ини ҳамда сихатгоҳда яхши даволини, хордик чика-ришганини ёзишган эди. Буни бош шифокор қўлидаги шарҳлайди: - Жорий йилдан сихатгоҳ тўла қувват билан ишляпти. Муассисимиз республика касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳисобланади. Йўлланмалар энг ав-вало кам таъминланган, кўп болали оилалар ва фангир-ларга имтиёзли равишда тарқатилляпти.

Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири

Савол: фуқаролар йиғини қарори билан 18 ёшга-ча белгиладиган нафақанинг тайинлиши ва тўла-ниши ҳақида маълумот берсангиз.

М.МУСТАЕВА, Оққўрғон тумани

Жавоб: Ўзбекистон Рес-публикаси Вазирлар Маҳжа-масининг 1996 йил 10 де-кабрдаги 437 сонли Қарори билан тасдиқланган «Во-яга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғри-сидаги Низом»га биноан мазкур нафақани 16 ёшга-ча болалари бўлган, шу-нингдек, умумтаълим мак-табларида, академик-ли-цейлари ва касб-хўнар ке-лежларида таълим олаётган 16 ёшдан 18 ёшгача бола-лари бўлган оилалар олиш ҳуқуқига эга.

Оилаларга бундай нафа-қани тайинлаш ва тўлаш

натта лаёқатли аҳоли ораси-да боқимандалик, ўзининг иқтисодий фаолигига эмас, балки давлат ёрдами ҳисоби-га кун кечириш кайфиятлари-га йўл қўймастик; - болалар тарбияси, улар-нинг жисмоний, ақлий ва маъ-навий-ахлоқий ривожланиши учун оиланинг маъсулият ҳис-сини қўяйтириш;

- давлатнинг қўллаб-қув-ватлашига муҳтож, ўз даро-мадларини сезиларли даража-да оширишининг ҳақиқий им-кониётига эга бўлмаган кам даромадли оилаларга нафақа тўлаш.

Кўйидаги ҳолларда нафақа тайинланмайди ва тўланмай-

баённоманинг рўйхат рақа-ми кўрсатилляди.

Ариза тушган санадан бошлаб икки ҳафта мобай-нида махсус комиссия ари-зачи оиласининг моддий шароитини ва мол-мулки аҳолини ўрганиб, ариза ва тақдим этилган ҳужжатлар-ни ҳар томонлама кўриб чиқади, тегишли акт тузади ва шу асосда икки ҳафта-лик муддатда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакил-лари мажлиси)га ёки фуқа-ролар йиғини томонидан нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун вакил қилин-ган комиссияга нафақани тайинлаш ёки тайинламас-лик ҳақида тақлиф қиритади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, ўз ҳисоб рақамидаги маблаглар ва

18 ЁШГАЧА БЕРИЛАДИГАН НАФАҚАНИНГ ТАЙИНЛАНИШИ

Саволингизга ЎЗКУФКнинг меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудри Махмуджон Исоев жавоб беради

Ҳақидаги қарор шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) ёки фуқаролар йиғини томонидан шундай масла-хатларни ҳал этиш учун ва-кил қилинган Комиссия то-монидан қабул қилинади. Ушбу комиссия таркиби фу-қаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) томонидан фу-қаролар йиғини ҳудудда истиқомат қилувчи энг обрў-эътиборли ва хурмат-га сазовор фуқаролар ора-сидан сайланади. Комисси-яга фуқаролар йиғинининг раиси бошчилик қилади. Комиссия аъзолари 2 йил муддатга, фуқаролар йиғи-ни раиси эса - унинг бутун ваколатли даврига сайлана-ди. Мазкур комиссия аъзо-лари таркиби камидан 20 ки-шидан иборат бўлиши ке-рак. Бунда комиссия тар-киби, раисдан ташқари, ҳар йили 50 фоизга янгилана-ди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси номига ёзма ариза билан му-рожаат қилган (алоҳида ҳол-ларда эса мазкур орган раи-си (оқсоқоли) томонидан тақ-дим этилган оилаларга та-йинланади. Аризада нафақа сўраб муружаат қилишга ун-даган сабаблар, шунингдек оила аъзолари (фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан оиланинг аълоли даромадини ҳисоблаб чиқиб ўчун белгилаб қўйил-ган даврд) олган даромадли-ри микдори кўрсатилляди.

Нафақа тайинлишини сўраб муружаат қилган шахс, аризадан ташқари фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш органига қўйидаги ҳужжатлар-ни тақдим этади:

- оила таркиби тўғрисида турар жойидан маълумотнома;
- болаларнинг туғилганли-ги тўғрисида гувоҳномалари нусхаси;
- васийликка олинган бо-лалар учун нафақа тайинлаш-да васийлик ҳуқуқини бери-учи орган қароридан кўчирма;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи талабига биноан - оила аъзоларининг даромадлари тўғрисида маълумотнома;
- 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга - мазкур шахс ҳақиқатан ҳам ўқув юр-тида ўқиётганлиги ва стипен-дия олмаслиги тўғрисида ўқув юртидан маълумотнома.

Нафақа тайинлашга оид аризалар фуқароларнинг ўзи-ни ўзи бошқариш органи раи-си (оқсоқоли)нинг котиби томонидан махсус қайдлов жур-налда рўйхатга олинди, бун-дан ариза келиб тушган сана, унинг қисқача мазму-ни, фуқаролар йиғини томо-нидан қарор қабул қилинган-идан кейин эса - қабул қилинган қарор ҳақида маъл-умотлар, унинг санаси ва

нафақанинг белгилаб қўйилган микдорларидан келиб чиққан ҳолда, нафа-

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ



қани тайинлаш учун мезон ва асосларни мустақил ра-вишда белгилайди. Нафақани тайинлаш ёки тайинламаслик тўғрисидаги қарор шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини (ва-киллар йиғилиши) ёки фу-қаролар йиғини томонидан шундай масалаларни ҳал этиш учун вакил қилинган Комиссия томонидан очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Ушбу йи-ғилишда аризачи (ёки оила-нинг балогатга етган бошқа аъзоси) иштирок этиши шарт.

Нафақа тайинлаш рад этилган барча аризалар бўйича (бундай қарор қабул қилингандан сўнг беш кун-лик муддат ичида) ариза-чи ёзма равишда раддия сабаблари кўрсатилиб маъл-ум қилинади.

Хатингизда қўйилган са-волга оид яна қўйидаги маъл-умотларни келтириш ўрин-ли деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон Республика-сининг «Фуқаролар муружа-атлари тўғрисида»ги Қону-нининг 12-моддасига биноан муружаатнома бериучи-нинг исми-шарифи, турар жой манзили кўрсатилган ва имзоси қўйилган ариза, шикоят ва тақлифни давлат органлари (шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари) ман-сабдор шахслари қабул қилишни рад этишлари мумкин эмас. Бундай ҳолат-лар юзасидан фуқаролари-мизнинг юқори давлат органларига ёки бевосита судга муружаат қилиш ҳуқуқи Қонун билан қафо-латланган.

ҚОНУНЧИЛИКДА ҚИСҚАРТИРИЛГАН ИШ ВАҚТИ

Саволингизга адвокат Муҳаммад Абдуллаев жавоб беради

Савол: қонунчиликда қисқартirilган иш вақти қайси ҳодимларга қўлланилиши назарда тутилган?

Г.МҲИНОВ, Нарпай тумани

Жавоб: Меҳнат кодекси-нинг 115-моддасига асосан ҳар бир ҳодим учун иш вақ-тининг нормал муддати ҳаф-тасига қирқ соатдан ортиқ бўлмаслиги белгиланган. Олти кунлик иш ҳафта-сида ҳар кунги ишнинг муд-дати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз со-атдан ортиб кетмаслиги ло-зи.

Айрим тоифадаги ҳодим-лар учун уларнинг ёши, соғ-лиги ҳолати, меҳнатнинг шар-тлари, меҳнат вазибалари-нинг ўзига хос хусусиятлари ва ўзга ҳолатлари инобатта олиб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек меҳ-нат шартномаси шартларига биноан меҳнатга тўланадиган ҳақни камайитириш, иш вақ-тининг қисқартirilган муддати белгиланган.

Амалдаги меҳнат қону-чилигига асосан иш вақтининг қисқартirilган муддати қўй-дагилар учун белгиланади: А) ўн саккиз ёшга тўлма-ган ҳодимлар; - иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ҳодимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахс-лар (таътил даврида ишлаёт-ган ўн тўртдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилар) учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соат-дан ошмайдиган қилиб белги-ланади.

Уқшидан бўш вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомиди иш вақти му-ддати ўшбу модданинг биринчи қисмида тегишли ёшдаги шахслар учун назарда тутил-ган иш вақти энг кўп муддати-нинг яримдан ортиб кетиши мумкин эмас. Б) I ва II гуруҳ ногиронли бўлган ҳодимлар; - ТМЭҚнинг ногиронларга тўлиққон иш вақти режими ўрнатили, уларнинг вазибаси-ни камайитириш ва меҳнатнинг бошқа шартлари ҳақидаги та-всияларини баҳарши иш бери-учи учун мажбурийдир. I ва II гуруҳ ногиронларга меҳнатга ҳақ тўлаш камайи-рилган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қисқартirilган муддати белгиланади.

лариди ишларда банд бўлган ҳодимлар; - иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайди-ган қисқартirilган муддати меҳнат жараёнида соғлигига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чикаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсир эта-диган ҳодимлар учун белгила-нади. Корхонадаги бундай ишлар-нинг рўйхати ва уларни бажа-ришда иш вақтининг муайян муддати тармок (тариф) кели-шувларида, жамоа шартномала-рида белгилаб қўйилади, агар улар тузилмаган бўлса, иш бе-ручи томонидан касабаси ую-ма қўмитаси ёки ҳодимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб, меҳнат шароитлари-га баҳр беришининг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли-ни ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқла-надиган услубияти асосида бел-

гиланади. Меҳнат шароити ўта зарар-ли ва ўта оғир ишларда банд

У СИЗГА ЁҚАДИ

Самарқанд чой кадоклаш корхонаси чет эл инвестицияси ишти-рокида қайтадан фао-лият юрита бошлагани-га кўп бўлгани йўқ. Американин «All Amerikan Ins.» компани-яси сармоси иштиро-кида илгор технология-лар билан жиҳозланган корхонада тайёрланаёт-ган экологик тоза ва сифатли чойлар қисқа вақт ичида ўз харидори-ни топди. Ҳозиргача истеъмолчиларга икки минг тоннадан зиёд маҳсулот етказиб бе-рилади.

Корхона ёрлиги билан чиқайтган чой маҳсулот-ларининг қадоклалиши, ранг-баранглиги ва сифа-ти жаҳон андозаларига жавоб бергани боис, харидорларга манзур бўлмоқда. Айни пайтда бу ерда ўттиз тўрдан зиёд чой қадоклаляпти.

Корхона қайта иш бош-лаган пайтда 250 киши меҳнат қилди эди. Ора-дан икки ой ўтгач, улар-нинг сони 350 нафардан ортди.

Информация о существующих фактах (событиях, действиях), затрагивающих финансово-хозяйственную деятельность Государственно-акционерной страховой компании «Кафолат»

ПОРЯДКОВЫЙ НОМЕР СООБЩЕНИЯ - 07 НАСТУПЛЕНИЕ ДАТЫ ЗАКРЫТИЯ РЕЕСТРА 16.08.2005г. Наблюдательным советом ГАСК «Кафолат» (Протокол №42 от 16.08.2005 г.) принято решение о составлении списка акционеров ГАСК «Кафолат» на 17.08.2005 г.

бўлган ҳодимлар учун иш вақ-тининг муддати чегараси Ўзе-бекистон Республикаси ҳукума-ти томонидан белгиланади. Г) алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ҳодимлар; - юқори даражадаги ҳис-ҳаяжон, ақлий зўриқиш, асаб танглиги билан боғлиқ, яъни алоҳида тусга эга бўлган иш-лардаги айрим тоифадаги ҳо-димлар учун (тиббий ҳодим-лари, педагоглар ва бошқа-лар) иш вақтининг муддати ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қилиб белгила-нади. Бундай ҳодимлар рўйхати ва улар иш вақтининг аниқ муддати Ўзбекистон Рес-публикаси ҳукумати томони-дан белгиланади.

Д) уч ёшга тўлмаган бола-лари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминла-надиган муассасалар ва та-шкилотларда ишлаётган аёл-ларга иш вақтининг ҳаф-тасига ўттиз беш соатдан ош-майдиган қисқартirilган му-ддати белгиланади.

Иш вақтининг қисқарти-рилган муддати чоғида юқорида қайд этилган аёл-лар меҳнатига ҳақ ҳар кунги тўлиқ иш муддати чоғида те-гишли тоифадаги ҳодимлар учун белгиланган микдорда тўланади.

2. Утверждение регламента проведения вне-очередного общего собрания акционеров ГАСК «Кафолат»;

3. Утверждение аудитора компании на 2005 год;

4. Утверждение изменений в состав наблюдательного совета ГАСК «Кафолат».

Регистрация акционеров-участников собрания проводится с 09.00. до 09.55. по вышеуказан-ному адресу.

Список акционеров, имеющих право на уча-стие во внеочередном общем собрании акцио-неров, составлен по состоянию на 17 августа 2005 года.

Просьба иметь при себе паспорт, доверен-ность (в случае представительства организации) за-веренную нотариально. Доверенность должна содержать следующие сведения о представителе организации: фамилия, имя, отчество, пас-портные данные, занимаемая должность, ко-личество акций и подпись руководителя органи-зации.

Справки по телефону: 133-27-31, 133-26-98 Наблюдательный Совет ГАСК «Кафолат»

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ



*Ўстир ВАТАНингни боғ каби туйғун,
Ишонгину уни шу азиз ерга —
Хушёр бўл — безга қолдирма бир зум —
Фарзандингдан бошқа ҳеч кимга берма.*



Касби Қарши чўлида бунёд этилган туманлар сирасига қиради. Барча соҳада илғорлар сафида турган туман хўжаликлари кўрсаткичи бири-бирдан устун туради. Айниқса,

Алишер Навоий номидаги ширкат тажриба хўжалигининг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари мактовга сазовордир.

Хўжалиқда олинган соф фойданинг асосий қисми

аҳоли шароитини яхшилашга сарфланмоқда. Юртимиз мустақиллигининг ўтган йилларида бу ерда бир талай улкан ишлар қилинди. Хусусан, мактаб болалари ҳордиқ чиқариш

оромгоҳи, маданият саройи, равон йўллар, ўнлаб савдо марказлари, дала шийпонлари, қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш янги устaxonаси ва ишчилар учун ҳордиқ чи-

қариш марказлари каби кўплаб маданий-маиший бинолар қуриб ишга туширилди. Айни пайтда яна бир улкан қурилиш — Олимпия захиралари спорт мажмуи барпо этилмоқда.

Суратларда: маданият саройи; «Иссиқ нон»да мазали нонлар пиширилади.

Ш.ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар



Фермер мулкдорлар синфининг истиқболли вакили. Улар ўзларига яратилаётган шароит, имтиёزلардан унумли фойдаланган ҳолда фидокорона меҳнат қилиб, эл дастурхонини тукин-сочин этишга йил сайин салмоқли хисса қўшиб келишапти. **Хабт кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Президентининг тадбиркорликни давр талаби даражасида ривожлантириш, омиликор, ишбилармон кишиларга кенг йўл бериш, уларнинг ҳақ-хуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш, фаолиятларига ноқонуний аралашуларга барҳам беришга оид Фармонлари ҳамда қарорининг ахамияти бекиёс бўлмоқда.**

Албатта, мақсадга осонлик эришилмайди. Йиллар мобайнида биргаликда саъй-ҳаракат, ташилотчилик ва тарғибот-ташвиқот ишларини омма ўртасида изчил ва самарали олиб бориш лозим. Ҳали орамизда оз бўлса-да, қонуни чеклаётган, ислохотлар йўлига муайян даражада бўлсин гов бўлаётган қиёматлар йўқ эмас. Қўйидаги воқеа фикримизга далил бўла олади.

Денов туманидаги Охунбобоев номи ширкат хўжалигида яшовчи Нурбўта Қоржовов ҳам хайрли ишга бел боғлади. У хўжаликнинг захира еридан 4 гектар сўраб, боғдорчилик билан шуғулланиш ниятида эканлигини маълум қилди. 2003 йил 3 январ куни ширкат хўжа-

... ИСИТМАСИ ОШКОР ҚИЛДИ

лиги вакиллари умумий йиғилиши бўлди. Унда 199 киши иштирок этди. Бошқалар қатори, Н.Қоржововнинг ҳам арзаси қўриб чиқилиб, унга «Достон» фермер хўжалигини ташкил этиш учун 50 йил мuddатга 4 гектар ер ажратиш юзасидан қарор қабул қилинди. Бироқ, муайян вақт ўтса-да, туман ҳокимлиги ширкат хўжалигининг қарорини тасдиқлашни пайсалга солди.

Вақтинг кетди, нақдинг кетди, дейдилар. Бунга янги англаган миришкор Қоржовов оила аъзолари билан ҳаракатга тушди. Занг босган ери қайта ишлаб, маҳаллий ўғитга тўйин-

тирди. Ер унумдорлигини ошириш учун нималар қилмади дейсиз. Бироқ, масала ҳал бўлавермагач, тегишли идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Кирмаган эшиги, бормаган идораси қолмади. Фермер бўлиш орузида юрган миришкор тахририятимизга йўллаган хатда ислохот йўлидаги айрим говлар, ху-

ойдинлашди. Равшанки, хўжалик балансида бўлган объект сотилишидан олдин умумий йиғилишда пайчилар иштирокида қурилиб, кейин кўчмас мулк биржаси орқали сотилиши керак. Ваҳоланки, 2005 йил 18 январ куни хўжалик бошқарувининг йиғилиши ўтказилиб, унда бошқарув аъзолари Н.Ҳайдаров, М.Ю-

сусан, мутасаддиларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида ҳам баён қилганди. Шу боис Денов туманидаги Охунбобоев номи ширкат хўжалиги раиси Н.Ҳайдаров хатда даволат берганидан сўнг дехқонлар, мутахассислар билан суҳбатни давом эттирдик. Баъзи хайратомуз ишлар

«Ишонч» фoш этади

ўтказилган, деган саволга тайинли жавоб бўлмади. Яна бир гап: худди шу куни (2005 йил 18 январ) ширкат хўжалиги бошқарувининг яна бир «№2» йиғилиш қарори қабул қилинган. Унда Н.Ҳайдаров хўжаликнинг 3-бригадаси худу-

дидаги пахта қуриштиш ускунаси сақланадиган бос-тирма эскириб, таъмирта-лаб бўлиб қолганлигини, таъмир учун маблағ етишмаётганлиги бос, уларни ускунаси жойлашган бос-тирма ер майдони 2 миллион сўм нақд пулга сотилсин... мазмунидаги қарор қабул қилинган. Энди табиий савол туғилади: бир кунда иккита бир хил,

яъни, «№2» йиғилиш қарори билан иккита масала ҳал қилинса, мулк фалон сўмга сотилсин, деб қарор қабул қилинса-ю, бундан ширкат аъзоси ёки пайчилар хабардор бўлишмаса? Ахир бу енг учда иш қўришнинг айнаи ўзгинаси-ку!

Бошқа масалаларга аниқлик киритиш, дехқонларни ўйлантираётган муаммоларга ечим излаш мақсадида хўжалик раҳбарига мурожаат қилганимизда, у: «ҳокимнинг рухсати билангина қўришингиз мумкин», деган жавобни айтди. Қайси даврда яшашаёмиз, ўзи? Юқоридан буйруқ кутиб яшаш иллати наҳотки ҳамон давом этаётган бўлса? Боз устига мутасаддилар ушбу хўжаликда ислохот йўлига гов бўлаётган ноқура ишлар содир этилаётганлиги, улар ноз-неъмат бунёдкорларининг эътирозига сабаб бўлаётганлигини наҳотки англашмаётган бўлса?

Ю.ОЧИЛДИЕВ, «Ишонч» муҳбири


Профессионал бокс

ҒАЛАТИ ҚАРОР

Ўтган ҳафта американинг ESPN телеканалда меҳмон бўлган бокс бўйича икки вазнда собиқ жаҳон чемпиони Майкл Мурер суҳбат чоғида яна рингга қайтишини эълон қилди. Энг ажабланарлиси, у орадан бир соатча вақт ўтиб, ўз қарорини ўзгартирди. Яъни, мураббийи Гедди Атласнинг маслаҳатларига ён берди. Ва тўғридан-тўғри эфирда рингга қайтмаслигини билдирди. Бу билан у «айтаверадиям, қайтаверадиям» тоифасидаги кишилардан эканлигини ошкор қилиб қўйди.

МАЙК ТАЙСОН СЎРОҚҚА ТУТИЛДИ

Ўта оғир вазнда собиқ жаҳон чемпиони афсонавий боксчи Майк Тайсон, Италия полицияси томонидан сўроққа тутилди. У франциялик сайёҳ қизни ўғирлаб кетишда ҳамда номунига тажовуз этишда гумон қилинмоқда. Полиция матбуот маркази тарқатган маълумотларга кўра, жабрланувчи қиз Майк Тайсон томонидан яхтага мажбурлаб чиқарилгани ва наркотик модда истеъмол қилишга мажбурланганини айтган. Шунингдек, боксчи сайёҳ қизни жинсий алоқа қилишга ундаган, бироқ қиз бунга қар-



Спорт оламида

шилиқ қилгани учун қаттиқ қалтаклаган. Энди сайёҳ қизнинг далиллари етарли бўлсагина бу можароли иш судга оширилади. Чунки, бу ҳолатда гувоҳлар бўлмаган.

Теннис



«МАСТЕРС» ТУРНИРИ БОШЛАНДИ

Американинг Цинциннати шаҳрида бошланган «Мастерс» турнирида россиялик Михаил Южний биринчи муваффақиятга эришди. У франциялик Сирилем Солньени тай-брекда мағлуб этди. Машҳур теннис юлдузи Андре Агасси ушбу турнирда қатнаша олмаганди. Бунга олган жароҳати ҳалақит берган.

Футбол

«ЧЕЛСИ» ЭССЬЕННИ СОТИБ ОЛДИ

Франциянинг «Лион» жамоаси ярим ҳимоячиси Майкл Эссьени «Челси» футбол клуби 47 миллион долларга сотиб олди. Гана терма жамоасининг 22 ёшли футболчиси Роман Абрамович жамоасида беш йил тўп сурадиغان бўлди.

«Челси» бутун ёз давомида бу футболчини сотиб олишга ҳаракат қилди. Бироқ, Франция чемпиони бу таклифни беш марта рад этганди. Энди келишувга кўра «Челси» жамоаси футболчи учун тўловни бирданига амалга оширади.

«Молявийи ҳижатдан бу операция ўта муваффақиятли чиқди. Бу тўланган маблағ жамоамизнинг бир йиллик бюджетининг чорagini ташкил қилади. Майкига келсак, гап бу ерда пулда эмас, у Англияда ўйнашни оруз қилиб келган, деган жамоа вакили Бернар Лаком.



А.ЮНУСОВ таърлади

АКЦИЯ ДОРЛИК-ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»НИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШҚАРМАСИ

*Фидокор халқимизни
яқинлашиб келаётган энг азиз,
энг улуғ байрамимиз —
Ўзбекистон Мустақиллигининг
14 йиллиги билан самимий
муборакбод этади.*

*Истиқлол қуёши бошимиз узра
тоабод порлайверсин!*

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ КАБАБА УНОШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНТАШИ

*Битта улуғ инсон, авлиёнинг номи
тиклаш қанчалар улуғ иш.
Бутун бир тарихни тиклаш,
қадриятларни ўрнига қўйиш эса
Истиқлолнинг буюк мўъжизасидир!*

